



## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТУРК ҚАРДОШЛАРИМИЗГА ЯНА БИР БОР ҲАМДАРЛИК БИЛДИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни  
Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги  
элчихонасига борди.

Маълумки, 6 февраль куни Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудларида юз берган кучли zilzilalar вайронкорлиги билан бутун дунёни ларзага солди. Ўзбек халқи ҳам офат оқибатларини қалбига яқин олиб, чуқур қайғу ва ҳамдардлик ҳиссини туйди.

Давлатимиз раҳбари ўша куниёқ қардош Туркия халқига ва Президент Режеп Таййип Эрдоғанга ҳамдардлик билдирган эди. Зилзила оқибатларини бартараф этишда кўмаклашиш учун мамлакатимиздан бир неча гуруҳ кутқарувчилар Туркияга юборилди. Шунингдек, гуманитар ёрдам юклари мунтазам жўнатиб турилди.

Президентимиз бугун Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасига бориб, қардошларимизга яна бир бор

ҳамдардлик билдирди. Парвардигордан марҳумларни ўз раҳматиға олишини, уларнинг оиласи ва яқинларига сабр-тоқат ва бардамлик беришини сўради. Жараҳат олган инсонлар тез фурусларда соғайиб кетишини тилади.

Ўзбек ва турк халқлари яхшию ёмон кунларда ҳаммаша бирга бўлган, бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бу дўстлик, қардошлик ва ўзаро елкадошлик ҳозирғидай оғир кунларда янада билинади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон барча зарур ёрдамга тайёрлигини билдирди. Элчихонада очилган ҳамдардлик китобига тасалли сўзларни ёзиб қолдирди.

Ўза

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИ УНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН?

Президентимиз тиғиз вақт – февраль ойининг дастлабки саккиз кунинда республикамизнинг тўрт ҳудудиде бўлиб, жойларда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан танишди. Агар эътибор қаратган бўлсангиз, давлатимиз раҳбарининг водий вилоятлари ва пойтахтимизда фаоллар билан ўтказган мулоқотларида умумий боғлиқ бир мавзу устувор бўлди – муқобил энергетика! Қолаверса, шу вақт оралиғида энергия таъминоти соҳасида назорат тизимини тартибга солиш чоратадбирлари юзасидан йиғилиш ҳам ўтказди.



Нега, деган савол жавобига келганда, кўпчилигимизни бу ҳолат ҳайрон қолдирмайди. Чунки биласиз, бу йил қиш мавсуми ўтган йилларга нисбатан анча совуқ келди. Шу йил январь ойида кузатилган қаҳратон совуқ барчамизни шошириб қўйди, буни ўз танзимизда ҳис қилганимиз ҳам бор гап. Бинобарин, электр ва газ таъминотида ўрнатилган чекловлар, транспорт-логистика

тизимидеги узиллишлар кундалик турмуш-ишда қатор ноқулайликларни юзага келтирди.

Бу ўз навбатида, энергетика барқарорлиги йўлида мавжуд муаммоларимизни яққол кўрсатиб берди. Айни пайтда мазкур йўналишдаги ишларни яна бир бор таҳлил қилиш асосида истиқболли лойиҳаларни жадаллаштириш имконини ҳам яратди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари бундан буён январдаги каби ҳолатлар такрорланмаслиги, энергетика тизимида қоллапс юзага келмаслиги учун бугундан, айни дақиқалардан бошлаб ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш, мавжуд тақчиллик ўрнини қоплаш, бир сўз билан айтганда, энергетик барқарорликка эришиш чораларини кўрмоқда.

Давоми 3-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

пенсия ислоҳотларининг бош мезони  
сифатида бўй кўрсатмоқда



Мамлакатимизда сўнги йилларда пенсия тизимида кечаётган ислоҳотлар аҳоли орасида энг кўп муҳокама қилинадиган, бахс-мунозара юритиладиган мавзулардан бирига айланди. Бу бежиз эмас. Зеро, мазкур жаҳада эришилаётган натижалар, аввало, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатини муҳофазалашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, жамиятимизни ривожлантириш борасидаги туб ислоҳотлар жараёнида ижтимоий соҳанинг ушбу тармоғини янада такомиллаштириш, муҳофазатга муҳтож қатламнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини тўла қафолатлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давоми 4-бетда

## ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

# УЗОҚНИ ЯҚИН, МУШКУЛНИ ОСОН ҚИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР



Ер усти метроси иккинчи босқичи қуриб битказилиши билан Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 70 километрдан ортади, кунига қарийб 650 минг йўловчиға хизмат кўрсатади. Кейинги йилларда транспорт соҳаси, шу жумладан, метрополитени янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида аҳолиға жуда кўп қулайлик яратилапти, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида самарали ишлар олиб бориляпти.

Давоми 2-бетда

## НУҚТАИ НАЗАР

# STEM ТАЪЛИМ



ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК  
ЖАМИЯТИДА УНИНГ  
АҲАМИЯТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?



STEM ўқитиш методларини мамлакатимиз таълим тизимига жорий этиш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, юртимизнинг ҳар бир ҳудудиде чет эллик мутахассислар иштирокида STEM фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган, илмий-техникавий таълим билан ёшларни янада кенгрок қамраб олиш, улар учун қулай имкониятлар яратишга қаратилган Президент мактаблари очилди.

Давоми 5-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

# БОҒЧАГА БОРАДИГАН БОЛА

мулоқотда,  
дунёқарашини  
шаклланишида  
бир қадам олдинда бўлади



Боланин босқичи бориши шарт эмас, дейдиганлар қаттиқ янглишади. Бола боғчада нафақат таълим-тарбия олади, балки ўзини шу жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳам ҳис қила бошлайди. 2017 йил 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш

масалаларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари "Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига қўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва

маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу дилнинг ўзи болаларимизнинг етуқ ва баркамол шахс бўлиб воға етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Давоми 5-бетда



## TRANSPORT INFRAUZILMASI

## УЗОҚНИ ЯҚИН, МУШКУЛНИ ОСОН ҚИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР

## Бошланиши 1-бетда

Бундан беш-олти йил олдин ҳам ер усти метроси ҳақида гап борганда, кўпчилик унинг қандай ишлашини яхши тушунмас, билганлар эса хорижда кўрганларини кўз олдига келтирарди. Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги "Тошкент шаҳрида ер усти метро линияларининг қурилиши" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан юртимиз транспорт тизими тарихида бўлмаган улкан лойиҳани рўёбга чиқаришга киришилди.

Қулай, хавфсиз ва тезкор транспорт тури бўлган метро йўналишларини қуриш ва ундан мунтазам фойдаланишда ҳар доим катта маблаг, тажрибали мутахассислар ва, албатта, замонавий техника зарур. Шу боис, бу каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг иқтисодий имкониятлари ҳам шунга яраша бўлиши керак. Эстакада шаклидаги ер усти метросини қуриш лойиҳалари мамлакатимизнинг ана шундай имкониятга эгалигини яққол намоён этиб турибди.

Тошкент шаҳридаги "Дўстлик-2" ва "Қўйлик" ер усти бекатларини боғловчи узунлиги 11,5 километрни 7 станциядан иборат линиянинг биринчи қисми 2020 йил август ойда ишга тушди. Биринчи бекатдан охиригача 19 дақиқада етиб олиш мумкин. Бу йўналиш кунига 46 минг йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Шу йилнинг декабрь ойда узунлиги 6,3 километр бўлган Чилонзор йўлининг Сергели тармоғи очилди. Шу тарихда пойтахтимизда қурилиб, фойдаланишга топширилган ер усти метроси йўловчилар узогини яқин, мушкулни осон қилаётган қулай ва асосий транспорт турига айланиб борапти. Бугун йўловчилар оқими кўплиги эса бу ишлар ўзини тўла оқлаётганидан далolat беради.

Президентимиз шу йил 8 февраль кунини Тошкент метрополитенида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, унинг аҳамиятини шундай баҳолади: "Охирги йилларда бу борада ҳам тажриба тўпладик. Қўйлик йўналишида 7 та, Сергелида

5 бекатли ер усти метролари қурилди. Олдин Тошкент метрополитенидан 240 минг йўловчи фойдаланган бўлса, бугунги кунда 600 мингдан ошди. Режамиз — 1 миллион йўловчи. Агар ўз вақтида буни бошламаганимизда, шаҳар транспортда коллапс бўлиши мумкин эди".

Лойиҳага кўра, ер усти халқа метроси қурилишининг иккинчи босқичида Қўйликдан Сергелига қадар янги ер усти метро линиясини барпо этиб, уни Сергели йўналиши билан боғлаш кўзда тутилган. Дастлаб Қўйликдан Сергелининг Қурувчилар массивигача 5 та янги станциядан иборат, узунлиги 8,5 километр бўлган йўналиш барпо этилиши белгиланган. Ушбу йўналишдаги яна 2 та станциянинг қурилиши ниятда, иккинчи босқичнинг умумий узунлиги қарийб 12 километрга етди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 6 июнь кунини Тошкент ер усти халқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан яқиндан танишар экан, унинг мустаҳкамлигига, метрода, бекатларда одамлар учун замонавий, электрон хизматларни кўпайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу боис, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти қурувчилари ушбу йирик лойиҳани ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида сифатли ва мустаҳкам, энг муҳими, халқаро талабларга мувофиқ барпо этишга катта аҳамият қаратмоқда.

Қўйлик бозоридagi 7-бекатдан бошланиб, Миробод ҳамда Сергели туманларидан ўтган 8-, 9- ҳамда 10-бекатлар ўртасидаги масофада қурилиш жараёнининг барча юмушлари яқинга етказилди. Уларнинг муҳим қисми ҳисобланган 8-бекат Қўйлик-1 мавзесида жойлашган. Йўлнинг ўнг томони кўп қаватли турар жойлардан иборат бўлса, чап томонида аҳоли хонадонларини ўз ичига олган маҳаллалар жойлашган. Арзон, хавфсиз ва тезкор транспорт тизимига жуда катта эҳтиёж бўлган бу ҳудудда аҳоли метро бекатининг тезда ишлай бошлашидан мамнун.

Мазкур бекат 2 қаватли бўлиб, пастки қисмида жами 28 та хона қурилди.



Улар махсус электр энергияси, алоқа тизими ҳамда ёнган хавфсизлиги хоналари, шунингдек, тиббиёт пункти, ишчи-ҳодимлар хонаси ва кассалардан иборат. Перрон 2-қаватда жойлашган, унинг умумий узунлиги 105 метр.

Ер усти метросининг 9-бекати Қўйлик-4 ҳамда Қўйлик-5 мавзелари оралиқда жойлашган. Бу ерда ҳам асосий қурилиш ва пардозлаш ишлари якунига етган. Биринчи қаватдаги барча хизмат кўрсатиш ва техник хоналар пардоздан чиқарилди, 2-қаватдаги перрон қурилишида бошқа бекатлардаги каби замонавий ва мустаҳкам, узоқ муддатга чидамли маҳаллий мраммалардан, том қисмини барпо этишда эса шахримиз иқлимга мос, иссиқ ва совуқдан сақловчи қурилиш маҳсулотларидан самарали фойдаланилди. Пештоқларга ҳам кўркам дизайнга эга чидамли безаклар солиняпти. Унинг атрофи ободонлаштирилиб, манзарали кўчалар экилди.

Умуман олганда, барча бекатларда худди шундай ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, уларнинг саҳни кенг, ёруғ ва кўркам, Ҳар бири ўзига хос мезморий ички қиёфага эга. Перрон қисмларининг кўриниши ҳам бир-бирини такрорламайди. Замонавий лифт ва эскалаторлар йўловчилар хизматида бўлади. Улар қулайлик яратувчи замонавий технологиялар, йўл ҳақини электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар билан жиҳозланган.

Лойиҳанинг узвий қисми бўлган 3,8 километрни Қурувчилар — Қипчоқ участкасида ҳам бунёдкорлик ишлари жадал. Қурилиш ишларига юздан ортик замонавий техника, машина ва механизм ҳамда 1 минг 270 нафарга яқин малакали муҳандис ва ишчи-ҳодим жалб қилинган. Уларнинг меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритиши назоратга олинган. Қурилиш объектига зарур маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ер усти метроси қурилиши жараёнида бажарилаётган ишлар сифати Давлат архитектура-қурилиш назорати ва "Ўздавтемирйўлназорат" инспекциялари

томонидан мунтазам назорат қилиб бориляпти.

Қурувчилар даҳасидан "Қипчоқ" бекатигача бўлган қарийб 4 километрни метро йўли ҳам яқин ойларида ишга туширилади.

Ер усти метро йўналишининг 2-босқичидаги қурилиш ишлари якунлиги фойдаланишга топширилган, улар орасидаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади, — дейди "Тошкент метрополитени" ДУК бошлиғи ўринбосари Сойибжон Жўраев. — Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Бунинг эъзига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Хусусан, Қўйлик — Сергели йўналишида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 32 минггача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайд.

Яна бир жиҳат, ушбу босқич қуриб битказилиши билан Тошкент метрополитенидаги жами бекатлар сони 50 га етди. Метрода юрвчи кунлик йўловчилар сони 650 минггача ошади. 245 та янги иш ўрни яратилди.

Тошкент давлат транспорт университети томонидан чет эллик экспертлар билан биргаликда метрополитендан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Хусусан, қўшимча жамоат транспорти йўналишларини очиб ва уларни йўловчи кам метро бекатларига боғлаш, поездлар вагонини 5 та қилиш ва қатнов оралиғини қисқартириш каби чоралар кўзда тутилган.

Натижада метро ҳаракати таннари, аҳолининг жамоат транспортга харажати ва кутиш вақти сезиларли қисқарди. Шаҳарга кириб келувчи энгил автомобиллар сони 97 минггача, магистрал кўчаларда тирбандлик 10 фоизгача камайиши мумкин.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**  
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**  
**Рустам ҲАЙДАРОВ,**  
**журналист**

## САҲОВАТ

ОРОЛЬЎИДА  
"МЕҲР ҲАРАКАТИ" АКЦИЯСИ:  
ХАЛҚИМИЗ  
ОФИЗБИРЧИЛИГИНИНГ  
АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Атрофимизда саховатпеша одамлар кўп. Қорақалпоғистон Республикаси Амурдари туманининг Дўрман овулида фермер хўжалиги ташкил қилиб, мўл ҳосил ва даромад олаётган Улуғбек Ҳўрбоевнинг кўпчилиги ана шундай саҳий инсон сифатида билади ва қадрлайди. Яқинда ўз фермер хўжалиги далаларида етиштирган бўғдойнинг 10 тоннасини эҳтиёжманд 200 оилга бўлиб бериб кўпчилигининг дуосини олди.

Яхши-ёмон кунларда одамларга ёрдам бериш, саховат кўрсатиш халқимизга хос инсоний фазилатлардан. Бу, айниқса, юртимизда юз берган аномал совуқ кунларда яна бир бор намоён бўлди. Тўртқул туманидаги қўпгина маҳаллаларда ўша кунларда "Меҳр ҳаракати" акцияси асосида эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 510 та ноҳор хонадонга инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, аҳолига балонларда суюлтирилган газ, шунингдек, кўмир тарқатилиши назоратга олинди, юзга келаётган муаммолар жойида ҳал этилди. "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳамда ҳомийлар ҳисобидан ноҳор, оғир шaroитдаги хонадонларга, уларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, 68 тонна кўмир етказиб берилди, 648 оилга балонларда суюлтирилган газ тарқатилди.

— Бўқувчиси йўқ, кам таъминланган оилалар рўйхатида тураман. Мутасадди ташкилотлар вакиллари эҳтиёжмизга қараб озиқ-овқат ва кўмир беришляпти, — дейди "Чорахон" овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Гулсал Давлетова. — Эътибордан четда қолдирмасдан қўрсатилаётган бундай савобли ишлар учун миннатдоримиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тумандаги уйларидея яқка тартибда таълим олаётган 12 нафар ўқувчи ҳолидан мунтазам хабар олиниб, китоб ҳамда ўқув қуроллари ҳам етказиб берилди.

Муйноқлик Акмалжан Бадалов "Артемия Биоресурс" корхонасини бошқаради.

оилаларнинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ўрганиб чиқилди, — дейди туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи маслаҳатчиси Баҳодир Болтабоев. — Натижада 66 оилга бепул кўмир етказиб берилди. Шунингдек, "Тўлқин" овулида яшовчи ўзгалар ёрдамига муҳтож Жумабой Тиловбоевга "Нуруний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг амалий кўмаги билан ногиронлик аравачаси совга қилинди.

Аслида биз бағрикенг, меҳр-муруватли халқимиз. Ҳимояга муҳтож инсонларга меҳр кўрсатиб, ёрдам қўлини чўзишни барчамизнинг бурчимиз деб биламиз. Қишининг қаҳратон совуғида бунинг аниқ исботи кўринмоқда. Нукус шаҳри деҳқон бозори автотураргоҳларида автотранспорт етишмай қолган вақтда аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи фуқаролар сони кўпайгани ҳам фикримизнинг амалий ифодасидир.

Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Нукус шаҳрида 25 та, бошқа туманларда 120 та автоулоқ аҳолини ўз уйларида етиб олиши учун бепул хизмат кўрсатди.

— Ташаббусимизни тadbиркорлар ва кўнгиллилар ҳам қўллаб-қувватлади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ахборот ва медиа бўлими раҳбари Парвиз Қаззақбоев. — Жумладан, Нукус шаҳрининг ўзида 50 тадан зиёд авто-

**“** АСЛИДА БИЗ БАҒРИКЕНГ, МЕҲР-МУРУВАТЛИ ХАЛҚИМИЗ. ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ИНСОНЛАРГА МЕҲР КЎРСАТИБ, ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗИШНИ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ ДЕБ БИЛАМИЗ. ҚИШНИНГ ҚАҲРАТОН СОВУҒИДА БУНИНГ АНИҚ ИСОБИ КЎРИНМОҚДА. НУКУС ШАҲРИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ АВТОТУРАРГОҲЛАРИДА АВТОТРАНСПОРТ ЕТИШМАЙ ҚОЛГАН ВАҚТДА АҲОЛИГА БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ФУҚАРОЛАР СОНИ КЎПАЙГАНИ ҲАМ ФИКРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИДИР.

Тadbиркор тумандаги "Талли озеки" маҳалласи ҳудудидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган фуқароларга мунтазам ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. У ҳудуддаги 5 талабани шартнома, бир фуқаронинг дори-дармон, яна бир маҳалладошининг жаррохлик амалиёти пулини, шунингдек, коммунал қардорлиги бор фуқароларнинг қарзларини тўлаб, жами 26 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

— "Дўстлик" маҳалласида уй-жойга муҳтож, кам таъминланган оилга "Тоқпақ ота" масжидимиз жамоати ва ҳомийимиз Акмалжан Бадаловнинг кўмагида савобли ишни амалга оширдик, — дейди Муйноқ туман бош имом хати Раҳимжон Тилеубаев. — Муҳтож бир оила зарур уй жиҳозлари, ошхона анжомлари билан ҳам таъминланди. Энг муҳими, саховат тadbирларини келажакда ҳам давом эттиришни ният қилдик.

Хўжайли тумани аҳолиси ҳам бундай савобли ишлардан четда қолгани йўқ. Туман марказидан олис ҳудуд ҳисобланган "Саришўнлик" овулида яшовчи 15 оилга кўмир етказиб берилган бўлса, "Амурдари" овулидаги газ тармоғига уланмаган 9-умумтаълим мактабида иситиш тизими ва ўқувчиларнинг шарт-шaroити ўрганилиб, зарур ёрдам кўрсатилди.

Қутлимган меҳмонлар Орузхон Отемисованинг эшигини қоқиб кириб келиши ва оилга бир олам қувонч ҳада қилди. Нукус туманида истиқомат қилувчи бу оилдаги 3 нафар фарзанднинг иккитаси ногирон. Акция доирасида ушбу оилга ҳам тегишли ёрдам кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Республикасида "Меҳр ҳаракати" амалий тadbирини 22 минг оила ҳисобга олинган. Шундан 4 минг оиланинг ижтимоий аҳоли оғир. Уларнинг яшаш шaroити, муҳтож томонлари ўрганилиб, ўзларини тиклаб олиши учун босқичма-босқич амалий ёрдамлар кўрсатилляпти.

— Об-ҳаво ҳароратининг кескин тушиши ва табиий газ босимининг пасайиб кетиши натижасида январь ойда амурдариликлар ҳам қийинчиликларга дуч келди. Шу муносабат билан Амурдари тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан чекка ҳудудларда яшаётган яқка-ёғиз, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож нурунийлар истиқомат қилаётган

машина аҳолига текинга хизмат кўрсатди. Акция доирасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессор-ўқитувчилари 50 та автоуловда совуқда қолиб кетган фуқароларни уйларида элтиб қўйиш билан шуғуллангани ҳам эътирофга лойиқ.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, "Ақинияз Қарақалпақ" масъулия чекланган жамияти ҳам аномал совуқ кунларда бундай савобли ишлардан четда турмади.

— Корхонамиз Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирига тегишли 11 та "ISUZU" автобусни ўз ҳисобидан ёниги билан таъминлаб, марказий бозор тураргоҳидаги фуқароларни уйларига олиб бориш учун бепул хизмат кўрсатишда иштирок этди, — дейди корхона иш бошқарувчиси Баҳрам Исмиев. — Шунингдек, аҳоли учун иссиқ овқат ва чой ташкиллаштирдик. Албатта, буларнинг барчасини инсонийлик вазифамиз деб биламиз.

Бир нечта дорихонаси бор ва аҳолига дори-дармонлар етказиб берувчи ушбу корхонани Қорақалпоғистонда кўпчилик яхши билади. Улар пандемия даврида ҳам одамларга ҳолис хизмат кўрсатиб, 80 миллион сўмлик антисептик тиббий дори-дармонларни бепул тарқатган эди. Соуқ кунларда Мудофаа вазириги томонидан Нукус шаҳрининг 10 та ҳудудда дала ошхоналари ҳар кун иссиқ овқатлар тарқатди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси томонидан синовли кунларда аҳолининг энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида газдан қарзи бор, тўлаша имконияти йўқ 663 та оиланинг 858,6 миллион сўмлик қардорлиги давлат ҳисобидан тўлаб берилди.

Яхшилик ва савоб ишларда бирдам бўлиш барчамизга хос фазилатлардан ва халқимизнинг озғибирчилигидан дарак. Доноларимиз бекорга "Қўли очкинчи — кўнгли очик", демаган. Юртимизнинг барча ҳудудларида "Меҳр ҳаракати" акцияси давом эттирилмоқда. Зеро, ҳаётда инсондан фақат яхшилик қолади. Яхшиликнинг муқофоти эса фақат яхшиликдир.

**Минажатдин**  
**ҚУТЛИМУРАТОВ,**  
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

## БРИФИНГ

## БИЗ СИЗ БИЛАН РУҲАН БИРГАМИЗ!

Туркия давлатида содир бўлган зилзила бутун дунё аҳлини, жумладан, юртдошларимизнинг ҳам қалбини ларзага солди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан фожиянинг эртаси кунлик қидирув-қутқарув мутахассислари гуруҳи қардош мамлакатга юборилган эди. Айни пайтда улар қидирув ишларини давом эттирмоқда.

Кунини кеча мамлакатимиз махсус бортида зилзила оқибатида жабрланганларга шошилинч ёрдам кўрсатиш учун 71 кишидан иборат қўшимча қидирув-қутқарув ва тиббиёт ходимлари гуруҳи билан бирга, навбатдаги гуманитар ёрдам партияси Газизантеп вилоятига етказилди.

Табиий офат жабрдийдаларига ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Мудофаа вазириги тиббий отрядининг 50 нафар ходими хизмат қиладиган бир гектар майдонда тўққизта алоҳида бўлинмадан иборат кўчма шифохона мажмуаси жойлаштирилди. Ушбу дала шифохонаси барча зарур тиббий ускуналар ва дори-дармон билан тўлиқ таъминланди.

Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Олган Бекар иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишлари хусусида сўз юритилди.

— Бу, катта фожия. Кенг ҳудудни қамраб олган ва силкинмиш узоқ муддат давом этган вайронкор зилзила туфайли ўша ҳудуддаги барча бинолар, инфратузилма, электр тармоқла-

рига катта зарар етди. Айни пайтда, биринчи навбатда, вайронлар остида қолиб кетган инсонларни қутқариш ишлари жадал давом этмоқда. Табиий офатдан сўнг зудлик билан электр тармоқлари, транспорт йўллари тазмирланмоқда, — деди элчи жаноблари.

Туркиядаги барча идора ва муассасалар ходимлари ҳозир зилзила ҳудудида сафарбарлик вазиятида иш олиб бормоқда. Давлат хизматчилари билан бирга олти минг нафарга яқин хорижлик кўнгилли талафот бўлган ҳудудда бўлиб, жабрланганларга беминнат ёрдам бермоқда. Улар қатори ватандошларимизнинг ҳам қармондорилигига ҳамдардлик кўрсатиб, кўмакка интилаётгани халқларимиз ўртасидаги биродарлик ришталарининг нақадар мустаҳкам ва қадимийлигини тасдиқляпти.

Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон — Туркия тadbиркорлар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа ташкилотлар кўмагида табиий офат жабрдийдаларига



МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА УТИНГ.

ёрдам кўрсатиш кампанияси ўтказилмоқда.

— Бугунги оғир, синовли кунларда ўзбек халқининг кичигидан каттасигача — барча-барча турк халқи билан бирга эканини намоён этаётимиз, — дейди Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Олган Бекар. — Кўрсатилаётган ҳамдардлик ва кўмак учун Ўзбекистон ҳукумати ва халқига алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Ҳаммамиз елкадош бўлиб мана шундай оғир кунларни бирга ўтказаямиз. Бунинг учун барчага ташаккур.

Халқимизда "Дўст кулфатда синалар", деган нақл бор. Йиллар синовидан ўтиб келаётган бу ҳикмат ҳали ҳам барҳаёда ва амалда. Қардош халқ бошига тушган мусибатни юракдан ҳис қилган юртдошларимиз ҳаммизга кўмакка шай. Бу оғир дамлардаги қўллаб-қувватлов ва елкадошлик икки халқнинг бирдамлигини янада мустаҳкамляпти. Бошингиз соғ бўлсин, қардошлар!

**Рисолат МАДИЕВА,**  
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ЭНЕРГЕТИКА

# БАРҚАРОРЛИГИ

## УНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН?



**Ҳақим МУРОДОВ,**  
Энергетика муаммолари  
институтининг директори,  
техника фанлари доктори,  
профессор

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, куни кеча Президентимиз пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Эзгулик маҳалласи фаоллари билан мулоқоти чоғида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, “Бу бизга сабоқ бўлиши керак. Энергетикада 3-4 қарра кўпроқ захира яратилиши зарур. Шунинг учун қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга эътибор берялмиз. У — муқобил, ишончли ва экологик тоза”, — деди.

### Энг тўғри ечим — қайта тикланувчи энергия

Дарҳақиқат, электр энергияси ва газ таъминоти барқарорлиги билан боғлиқ қатор саволлар айтилган пайтда долзарб бўлиб қолмоқда: Хўш, бу ҳолат қачон ва қандай пайдо бўлди, энергия ресурсларимиз шунчаллик камми? Ёки биз энергетика тизимини оқилона бошқара олмаймизми? Янги энергетик қувватлар ишга туширилса, муаммо ҳал бўладими, ўзи масаланинг ечими нимада?

Маълумки, мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши ва аҳоли сонининг ўсиши, шу жумладан, юрдошларимиз турмуш шароитининг тобора яхшиланиб бораётгани эвазига электр энергиясини истеъмол қилувчи маиший техникаларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши ёқилги энергия ресурслари, хусусан, электр энергияга талабнинг ошишига олиб келди. Масалан, сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоиз, шу жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу кўрсаткич илгари 6 фоиздан ўсиб бормоқда.

Қолаверса, энергетика тизими корхоналарини модернизация қилиш, янги қувватлар, шу жумладан, муқобил энергетикани ривожлантириш, бошқарув тизимини ислоҳ қилишга яқин-яқингача талаб даражасида эътибор қаратилмагани ҳам бугун ўз “самара”сини кўрсатаяпти. Демак, бу муаммо бугун дабдурдустдан пайдо бўлиб қолмаган. Бунга, биринчи навбатда, йиллар мобайнида йиғилиб келган муаммолар, бошқа томондан эса, талабнинг тақлифга нисбатан кескин ошиб бориши сабаб бўлган.

Қоридоғилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миллий иқтисодийимиз рақобатдошлигини таъминлаш ва таркибий ислохотларни амалга ошириш бўйича узоқ муддатли стратегияни рўйбга чиқариш мамлакатда энергия ресурсларидан фойдаланиш тизимининг тубдан қайта қуриб чиқилиши, тараққиётнинг энергиясамарадор моделига ўтиши тақозо этади.

БМТ прогнозларига кўра, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолиси 37 миллион нафардан ортиши, бу эса ўз навбатида, энергия ресурсларига бўлган талабнинг янада ўсишига олиб келиши тахмин қилинмоқда. Ушбу йилга келиб республика истеъмолчиларининг табиий газга бўлган йиллик талаби ҳозирги 54,2 миллиард куб метрдан 65 миллиард куб метрга, электр энергияси бўйича эса жорий

74 миллиард кВт соатдан 110 миллиард кВт соатга ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Булардан кўринадики, ўсиш ва ривожланиш бор экан, талаб муттасил ошиб бораверади. Хўш, Ўзбекистон шароитида энергетика барқарорлигига эришиш учун нима қилиш керак?

Шу соҳадаги муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилиб борувчи мутахассис сифатида айтишим мумкинки, бизнинг мавжуд шароитимизда энергетик барқарорликка эришиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Яъни ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш билан бир қаторда, маънан эскирган технологияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорлигини ошириш, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш талаб этилади.

Бунда энг аввало, Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи чоғида алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, “Бундай шароитда энг тўғри ечим қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш”дир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон бу борада, кўёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқаришда катта имкониятга эга. Чунки юртимизда йилнинг деярли барча кунда кўёш порлаб туради. Ҳисоб-китобларга кўра, дийримида кўёш электр станциялари орқали жами 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Бу мамлакатимизнинг бугунги кундаги электр энергиясига бўлган эҳтиёждан сақиз баравар кўп, дегани.

Гидроэнергетика йўналишида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Боиси,

таққослаб бўлмайди. Лекин қайта тикланувчи энергия имкониятларини ҳеч бир истисно қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, бу борада “яшил энергетика”дан ташқари эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд.

### Кичик қувватли, “манёвр” қилувчи қувватлар

Жумладан, энергетика барқарорлигига эришишнинг иккинчи муҳим шарт — бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ҳисобланади. Чунки бугун бизда энергетикани бошқаришнинг илмий асосланган моделлари мавжуд эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурда шу йил 6 февраль куни энергия таъминоти соҳасида назорат тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам энергия етказиб бериш ва ҳисоб-китоб тизимидаги муаммолар танқидий таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари ханузгача тизимда ўғирлик жуда катта экани, ресурслар ҳўжасизларча талон-торож қилинаётгани, биргина декабрь ойида электр ва газдан ноқонуний фойдаланиш бўйича 12 миңдан зиёд ҳолатда 600 миллиард сўмлик зарар аниқлангани, автомобилларга газ қуйиш шохобчалари устидан назорат бутунлай издан чиққанини таъкидлади. Энергетика вазирлиги эса, 2023 йилнинг январь ойида ўтказилган назорат тадбирларида 614 ҳолат бўйича улгуржи истеъмолчилар томонидан табиий газдан



ҳисобига “ўчиб қолувчи” қувватлар ҳисобланади. Бундай пайтда эса уларнинг ўрнини тезда қопловчи қувватлар зарур бўлади.

Энергетик тизимларни модернизациялашда жаҳон стандартларига асосланган рақамли технологиялар, хусусан, магистрал ва тақсимлаш электр узатиш тизимларида “рақамли подстанция”ларни жорий этиш лозим. Бу борада қўшни мамлакатларда бундай технологиялар кенг қўлланилаётгани, тайёр технология ва техник ечимлар, тажриба мавжудлиги бизга қўл келиши мумкин.

Янги энергетик объектларни лойиҳа-

иктимоий-иқтисодий ривожланиши иштироки билан узвий боғланганини доимо эътиборда сақламоқ керак.

Энергетик қувватларни ошириш, жумладан, атом электр станциясини қуриш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Электр таъминоти мустақамлигини ошириш ва узатилмайдиган электр энергияси исрофини камайтириш учун электр тармоқлари модернизация ва реконструкция қилинмоқда.

Лекин қўрилаётган чораларга қарамадан, электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилишда бирламчи ёқилғи структурасида табиий газ ва бошқа аънавий углеводород ёқилғилари устувор бўлиб қолмоқда. Иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфи юқориликча қоляпти. Ёқилғи-энергетика балансини қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳисобига диверсификация қилиш даражаси жаҳон тенденцияси талабларига жавоб бермайди.

Энергетика соҳасини комплекс ривожлантириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳамда энергетика тармоғини инновацион ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, фаннинг ишлаб чиқариш ва таълим соҳаси билан интеграциясини чуқурлаштириш, шунингдек, илмий-техник ривожланиш даражасини кескин ошириш ва юқори самарадор энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, сановатнинг энергия кўп истеъмол қилинадиган тармоқларида илмий-инновацион инфраструктурани яратиш, иқтисодиёт тармоқларига аънавий ва муқобил энергия манбаларини кенг миқёсда жорий этиш ҳисобига энергия балансини диверсификация қилиш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Республикада энергетика тармоғи барқарор ривожланишининг келажак стратегиясини ишлаб чиқиш, урта ва узоқ келажакда ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланиши ва модернизациялаш бўйича дастурларни қабул қилиш ҳам жуда муҳим. Бу дастурлар энергиянинг аънавий турларини казиб олиш ва ҳосил қилиш миқдорларини ошириши билан биргаликда, ноаънавий энергия турларини ишлаб чиқаришга киритишни ҳам кўзда тутмоғи лозим.

Муқобил энергия манбалари ва ускуналаридан фойдаланиши, айниқса, аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, уларни жорий этиш ва сервис хизмати кўрсатиш бўйича тадбиркорлик субъектларини янада кўпайтириш керак. Чунки бу ҳаракатлар ўз навбатида, энергиянинг қайта тикланмайдиган, бугунги кунда биз фойдаланишига кўнгиб қолган табиий ресурсларимиз, хусусан, табиий газ ва электр энергиясини тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада дунёнинг етакчи, лекин табиий ресурслари тақчил бўлган Япония тажрибасини мисол келтирсак бўлади. Масалан, кўнчиқар юрда уйлари иситишда иссиқлик ташувчи сифатида сув эмас, ишлаб бўлинган ва регенерацияланган мойлардан фойдаланилади. Чунки сувнинг иссиқлик сийми мойга нисбатан анчагина юқори, яъни сувни қизитишга мойга нисбатан икки баробар кўпроқ энергия сарфлаш талаб қилинади. Қолаверса, мойда иситиш тизимининг техник ҳолати ҳам яхши сақланади, зангламайди. Худди шундай, иссиқ сув қизитишда табиий ресурсларимиз, хусусан, табиий газ ва электр энергиясини тежашга замин яратади.

Иқтисодиёт тармоқлари энергия сарфини пайсатириш бўйича комплекс

**МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ, АЙНИҚСА, АҲОЛИ ОРАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ, УЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ КЕРАК. ЧУНКИ БУ ҲАРАКАТЛАР ЎЗ НАВБАТИДА, ЭНЕРГИЯНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНМАЙДИГАН, БУГУНГИ КУНДА БИЗ ФОЙДАЛАНИШГА КЎНИКИБ ҚОЛГАН ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИМИЗ, ХУСУСАН, ТАБИЙ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

тадқиқотларни ўтказиш ва аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш, қолаверса, мутахассислар ва аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан алоҳида муносабат — уларни тежаш борасида оммабоп тушунчаларни шакллантириш лозим.

Бунда, айниқса, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз ягона электр энергетикаси тизимида электр энергиясини ҳосил қилишда табиий газга боғлиқлик 85 фоиздан юқори. Ўз-ўзидан тушунарли бўладиган, электр энергиясини тежаш табиий газни тежашга олиб келади. Тежаланган табиий газ эса кўп миқдорда қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

### Тежамкорлик қадриятга айланса...

Энергия ресурсларини тежаш бўйича тарбияни оиладан, мактаб ва олий ўқув юртлири, ҳаттоки болалар боғчасидан бошлаш керак. Чунки фарзандларимиз интеллекти тез ўсиб бормоқда, улар ҳар қандай қизиқ ахборотни тез ўзлаштиради. Шунинг учун нафақат чақиркилар билан энергия тежашга даъват этишимиз, балки энергия турларининг захиралари, уларни ҳосил қилиш мураккабликлари ҳақида маълумотлар бериб боришимиз керак.

Иқтисодиёт тармоқларини, хусусан кимё ва қурилиш материаллари сановати корхоналарини тубдан модернизациялаш, амалиётга юқори самарали технологик линияларни жорий қилиш, бунда, айниқса, энергия тежамкор технологияларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки юқори энергия сарфи ўз-ўзидан маҳсулот таннархининг ортишига ҳамда унинг етарли даражада рақобатбардор бўла олмаслигига сабаб бўлмоқда.

Урганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу тармоқларда самарали, энергия тежамкор қувватлар ишга туширилса, энергия сарфини 2-2,5 баробарга пайсатириш мумкин. Айниқса, бу тармоқларда жаҳон стандартлари асосидаги энергетик менежмент тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда корхоналарда нафақат технологик курсаткилар яхшиланади, шу билан бирга, энергияни тежаш тизими жорий этилади, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишининг барча босқичларида фаолият олиб боруви раҳбарлар, инженер-техник, қолаверса, барча ходимларнинг энергия тежаш бўйича малакаси ва масъулияти ортади. Бошқа тармоқларда ҳам бу тизимни жорий этиш ўзининг натижасини тезда кўрсатишига шубҳа йўқ.

Шунингдек, ижтимоий объектлар энергетик самарадорлигини ва ресурс тежамкорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишларида ҳам ҳаракатларни жадаллаштириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омил сифатида қўлпаб замонавий уй-жойлар қуришмоқда. Бу жараёнда ҳам уйлар қуришда фойдаланиладиган қурилиш материалларининг энергия тежаш хусусиятларини, албатта, ҳисобга олиш керак. Чунки уйдаги иссиқликни самарали сақлаш унга сарфланадиган энергияни икки баробаргача тежайди. Демак, бу бир томондан давлатимиз учун, бошқа томондан эса ўзининг узоқ иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлади. Муҳими, энергия ресурсларини асраб-авайлаш ва тежаш келажак авлодлар олдидаги барчамизнинг бурчимиз эканини унутмайлик.

## “ ЯНГИ ЭНЕРГЕТИК ОБЪЕКТЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИШДА ҲУДУДНИНГ ТАБИИЙ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИНИ ЧУҚУР ТАДҚИҚ ЭТИШ, ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТЕХНОГЕН ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАМ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

юртимизда умумий узунлиги 12,7 миң километрик 430 та каттаю кичик дарё бор. Президентимиз шу йил 19 январь куни энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда гидроэнергетикада салоҳият юқориликни таъкидлаб, қувватларни кескин ошириш бўйича кўрсатмалар берганди.

Сўнги йилларда ушбу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 500 миллион долларлик 27 лойиҳа доирасида қўшимча 260 мегаваттлик қувватлар яратилди. “Ўзбекгидроэнерго” тизимидаги станцияларнинг умумий қуввати 2 миң мегаваттдан ошди. Уларнинг ҳисобига йилга 2 миллиард куб метр табиий газ тежаш имкони пайдо бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлар кўлами эса йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Биргина мисол, жорий йилда 197 мегаваттлик 7 лойиҳа ва 10 та микро гидростанция ишга туширилиши режалаштирилган. Яна 438 мегаваттлик 8 истиқболли лойиҳа ва 50 микро ГЭС қуриш бўйича ишлар бошланади.

Умуман олганда, шамолдан энергия ҳосил қилиш борасида ҳам катта имкониятларга эгамиз. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда муқобил энергетика йўналишида 2026 йилга қадар жами энергияда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш мақсадига қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тўғри, энергетика барқарорлигига эришишимизда мавжуд шароитимизга нисбатан ҳеч бир омилни муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтиришга



85 миллиард сўм қийматида ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланганини маълум қилди.

Йиғилишда шулардан келиб чиқиб, энергетика соҳасида назоратни кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича янги тизим белгиланди.

Дарҳақиқат, ушбу йўналишда ҳам ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз талайгина. Масалан, энергияга бўлган талабни истеъмолчилар сонининг ўсиши ва табиий-иқлим шароитлари кўрсаткичларидан келиб чиқиб баъорат қила олмаймиз. Бунинг учун қўлпаб илмий-амалий тадқиқотлар натижасида олинмайдиган маълумотлар керак бўлади. Қолаверса, энергетикани бошқарувчи диспетчерлик тизимлари, худдики “пост-фактум” услубда, яъни йил фасллари ва истеъмол эҳтимолини ҳисобга олувчи асосланган сценарийлар етарли эмаслиги шароитида фаолият олиб бормоқда.

Тақсимлаш тармоқлари орқали истеъмолчиларга бевосита етказиб берилаётган электр энергиясининг стандартларга асосланган сифатини таъминлаш муаммоси бугун электр энергияси етишмовчилиги фондида эътибордан четда қолмоқда. Лекин бу муаммо долзарблиги ва ечимини кутаётгани сир эмас.

Республикада “манёвр” қилишга мослашган, кичикроқ қувватли иссиқлик электр станциялари қуришга етарли даражада эътибор қаратилмаган эди. Бугунги кунга келиб эса бу борадаги ишларни амалга ошириш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш бошланди. Чунки юқори қувватли муқобил электр станциялари табиат ҳодисаси, айтилик, ёгингарчилик, дарё ўзанида сув ҳажмининг пасайиши каби табиий омиллар

лаш ва қуришда худуднинг табиий иқлим шароитларини чуқур тадқиқ этиш, юзага келиши мумкин бўлган техноген фавқулодда вазииятларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

### Исроф — барқарорликнинг асосий заволи

Учинчи муҳим вазифа эса, энергия тежамкорлигини ошириш, исрофнинг олдини олишдир. Мамлакатимизда табиий ресурсларнинг қўлпаб турлари мавжудлигига қарамадан, уларни казиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш анчагина маблаг ва меҳнат талаб қилади. Лекин энергия ресурслари истеъмолчиларга арзон нарҳларда етказиб берилмоқда ва исрофга йўл қўйилмоқда.

Шу сабабдан энергия ресурсларидан аҳоли турмушида, ижтимоий объектлар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида самарали фойдаланиш, тежаш кунининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Энергия самарадорлигини ошириш, энергетик ресурслар, биринчи галда, Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлган табиий газни тежаш юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг йўл очади.

Хўш бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Энергетика соҳаси иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири. Энергетик хавфсизлик, самарадорлик ва энергетиканинг барқарор ривожланиши — соҳанинг асосий стратегик йўналишлари ҳисобланади. Истиқболда энергетика мажмуасида инновацион векторнинг амалга оширилиши мамлакат





## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

## пенсия ислохотларининг бош мезони сифатида бўй кўрсатмоқда



**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

## Бошланғич 1-бетда

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида бу йўналишдаги ислохотлар ҳақида тўхталиб, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиваси изчил давом этишини таъкидлади. Бундан қўриқиб турибдики, мамлакат иқтисодиёти ривожланиши давлат бюджети даромадлари кўпайишига, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағ салмоғи ошишига, жумладан, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори босқинча-босқинча кўтарилишига замин яратилади.

Пенсия таъминоти тизимини ислох қилиш борасида сўнгги йилларда муҳим чора-тадбирлар қўрилди. Жумладан, 2017-2022 йилларда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи 16 та қонун, 70 га яқин бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши тизимдаги муаммоларнинг қўниги ечимига хизмат қилмоқда.

Мисол учун, фуқароларни узоқ йиллар давомида қийнаб келган ҳолатлардан бири — пенсия ва нафақалар тўлови кечиктирилиши билан боғлиқ муаммо ечим топди. 2017 йилдан бошлаб ойма-ой тўлов жорий этилди. Пенсия ва нафақаларни мажбуран банк пластик карталарига ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар қўчилигининг ҳақи эътирозига сабаб бўлган эди. Бу муаммо ҳам тўлиқ бартараф этилиб, фуқароларнинг ҳошишига кўра, нақд пулда ёки нақд пулсиз шаклда олиниши таъминланди. Ишловчи пенсионерларнинг пенсияларидан 50 фоизини чегириб қолиш амалиёти бекор қилинди.

### Фақатгина паспорт билан мурожаат қилиш тизими яратилди

Яқин-яқингача пенсия ёшига етган инсон бу жараённи расмийлаштириш учун анчагина заҳмат чекарди. Меҳнат стажига ҳақидаги маълумотларни йиғиш учун архивма-архив сарсон бўлишга тўғри келарди. Ёки ижтимоий нафақа олиш учун идорама-идора юриш, қўллаб ҳужжатлар йиғиш талаб этилар эди. Бугунги кунда бу масалалар ўз ечимини топди. Пенсияни расмийлаштириш учун фақатгина паспорт билан мурожаат қилиш тизими ишга тушди. Ижтимоий нафақалар ҳам давлат хизматлари марказлари ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали инсон омилисиз ечим топмоқда. Табиийки, бу ҳолат халқимизнинг ташвишини аритиш, мушкулни осон қилишда катта имконият бўлаётди.

Фуқаролар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажини меҳнат дафтаридаги мавжуд ёзувлар асосида ҳисоблаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида йилга 240-250 миң фуқаролар иш стажини тасдиқлаш билан боғлиқ овозгарчиликларни бартараф этилди. Ишловчи фуқароларга ишламайдиган турмуш ўртолқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлиши учун ўз даромадидан ихтиёрли равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилди.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пулини оила аъзоларига тўлиқ тўлаш амалиёти жорий этилди. Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловларни ундиретиш бекор қилинди. Натижада

2021 йил 1 февраль ҳолатига 4892 дан ортиқ фуқароларнинг пенсия ишларини текшириш натижасида аниқланган 12 миллиард сўмлик ортиқча тўлов ҳисобдан чиқарилди.

### Она ва бола манфаати ҳамиша устувор

Бола парвариши, оила ва ҳаёт юқини тортишда аёлга ҳар томонлама қўмақ бериш бугунги ислохотларнинг устувор йўналишига айланган. Бу жиҳатлар ижтимоий ҳимоя тизимида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, пенсия тизимидаги ислохотларда оналар ва болалар манфаатини ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб бола туғилганда бериладиган нафақа (суюнчи) пулини Давлат хизматлари марказлари ва Пенсия жамғармасига мурожаат қилмаган ҳолда тўғридан-тўғри Халқ банкнинг исталган филиали орқали олиш тизими жорий этилди.

Аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришlash таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик давр 6 йилга оширилди. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш муддати ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш даври 16 ёшдан 18 ёшгача узайтирилди. Уқувчи ва талабаларга ўқининг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунча қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилди. Илгари бу ҳуқуқ 18 ёшга тўлгунча қадар амал қиларди.

Яқин-яқингача яна бир муаммо доим муҳокамаларга сабаб бўларди. Яъни хусусий тармоқларда аксарият ҳолатларда аёлларга ҳомилдорлик нафақасини тўламаслик учун уларни ишга олмасликка ҳаракат қилинарди. Энди бу масалани ҳамда аёлларга ҳомилдорлик нафақасини тўлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш даври 16 ёшдан 18 ёшгача узайтирилди. Уқувчи ва талабаларга ўқининг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунча қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилди. Илгари бу ҳуқуқ 18 ёшга тўлгунча қадар амал қиларди.

Оилада ногиронлиги бор инсон бўлса, унинг парвариши, асосан, аёллар зиммасига тушиши сир эмас. Шундай вазиятда аёл ишлаш имкониятидан маҳрум бўлади. Айниқса, оилада ногиронлиги бор фарзанд бўлса, бу ҳолат аёлни тўла банд қилади. Бу вазиятда аёл ишлаш, оиласига даромад киритиш имконидан буткул маҳрум бўлади. Бу, бир томондан, оилада моддий етишмовчиликка сабаб бўлса, иккинчи

ногиронлиги бўлган фарзанди бор аёлларга 55 ёшдан ёшга доир нафақа тайинлаш жорий этилди. Бу имкониятдан 4,2 миң аёл баҳраманд бўлмоқда.

Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалари ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга ҳар ойда 500 миң сўм миқдорда янги турдаги парваришlash нафақаси жорий этилди. Бунда 35,1 миң оилага ҳар ойда 500 миң сўм миқдорда парваришlash нафақаси тўлаб берилди.

### Ижтимоий заиф қатлам доимо эътиборда

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган 896 миңдан кўпроқ шахс



бор. Улар жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, таълим олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши учун замонавий шароитлар яратилган. Шу билан бирга, уларни ижтимоий муҳофазалаш масаласи ҳам доимий эътиборда. 2019 йил 1 августдан бошлаб аҳолининг ушбу қатлам вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайди. Шу мақсадда 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар пенсиясининг энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизга оширилди. Ушбу ўзгартириш 46 миңдан ортиқ шахсининг пенсиясини миқдори ўртача 145 фоиз оширилиши таъминлади. 2-гурӯх ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларнинг пенсиясига устама ижтимоий базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан 75 фоизга чиқарилди.

**66** ПЕНСИЯЛАР ИШЛОВЧИ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ТЎЛАНГАН ИЖТИМОЙ СОЛИҚ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ. БУНДА ЖАМҒАРМАГА КЎПРОҚ ҲИССА ҚЎШГАН, ЯЪНИ ЮҚОРИ ИШ ҲАҚИДАН КАТТА МИҚДОРДА СОЛИҚ ТЎЛАГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ МИҚДОРЛАРИ ҲАМ КЎПРОҚ БЎЛИШИ АДОЛАТЛИДИР. ШУ ЖИҲАТЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИБ, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ПЕНСИЯНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ УЧУН ИШ ҲАҚИНИНГ МАКСИМАЛ ЧЕГАРАСИ ОШИРИЛМОҚДА. МАСАЛАН, 2019 ЙИЛ 1 ЯНВАРДА ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАШ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ САККИЗ БАРОБАРДАН ЎН БАРОБАРГА ОШИРИЛГАНДИ.

2018 йил 1 июлдан деҳқон ҳўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган еки ушбу ер участкасида қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётган жисмоний шахслар томонидан йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорда ижтимоий солиқ тўланган тақдирда бир йил иш стажига ҳисобланиши жорий этилган эди.

Эндиликда бу тартиб ҳам янада соддалаштириляпти. Президентимизнинг “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашув асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ер участкаси майдонига ва ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бош парранда боқишга қўйилган талаблар чиқариб ташланмоқда. Шунингдек, шахсий томорқа ер участкасида чорвачилик, иссиқхона, паррандачилик, қўенчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шуғулланётган фуқаролар томонидан йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорда ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиши ва ушбу давр меҳнат стажига қўшилиши белгиланди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ҳам Пенсия жамғармасига йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорда ихтиёрли тўловлар амалга оширишда бу давр иш стажига қўшилиши белгиланган. Ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган қўшимча фаолият (ишлар, хизматлар) турлари 10 тага ошириш ҳисобига ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг жами 78 турдаги фаолияти белгиланиб, ижтимоий солиқ тўлаш эвазига иш стажини ҳисоблаш жорий этилди.

### Ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш яширин иқтисодиётдан чиқинни таъминлайди

Пенсиялар ишловчи фуқаролар томонидан Пенсия жамғармасига тўланган ижтимоий солиқ ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда жамғармага кўпроқ ҳисса қўшган, яъни юқори иш ҳақидан катта миқдорда солиқ тўлаган фуқароларнинг пенсия миқдорлари ҳам кўпроқ бўлиши адолатлидир. Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, сўнгги йилларда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал чегараси оширилмоқда. Масалан, 2019 йил 1 январда пенсияни ҳисоблаш базавий миқдори саккиз баробардан ўн баробарга оширилганди.

Амалдаги қонунчиликда пенсия ҳисоблашда инобатга олинмайдиган иш ҳақида чегара мавжуд бўлиб, бу 2023 йилга қадар пенсия ҳисоблаш базавий миқдори (324 миң сўм)нинг 10 карраси (3 миillion 240 миң сўм) деб белгиланган эди. Ваҳоланки, Давлат статистика агентлиги маълумоти бўйича бугунги кунда республикамизда ўртача иш ҳақи 3,7 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бундан қўриқиб турибдики, пенсия ҳисоблашдаги иш ҳақи мавжуд чегара фуқароларни ўз даромадларини легаллаштиришдан манфаатдорликни сусайтириб, кўпроқ ва кам солиқ тўлаган фуқароларнинг пенсиялари бир хил белгиланишига сабаб бўлаётган эди.

Ушбу йўналишда ҳам адолат мезонларини мустаҳкамлаш мақсадида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритилди. Бунда 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори, яъни юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки бараварига оширилди.

Ушбу қонунга асосан, 2022 йил декабрь ойида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан, яъни 3 миллион 240 миң сўмдан юқори бўлган 371 миң пенсия олувчининг пенсия миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилинди ва пенсияси ошадиган фуқароларга 2022 йилнинг декабрь ойида СМС хабар юборилди.

Мисол учун, 4 миллион сўм ўртача ойлик иш ҳақига эга бўлган фуқароларнинг пенсия миқдори 2023 йил 1 январга қадар 3 миллион 240 миң сўмдан ҳисоб-китоб қилинган бўлса, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса ушбу фуқароларнинг пенсия миқдори 3 миллион 888 миң сўм этиб қайта ҳисоб-китоб қилинди. Ушбу тартибнинг жорий этилиши юқори иш ҳақи олган ва пенсия тизимига кўпроқ ҳисса қўшган фуқароларга муносиб пенсия тайинлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг унумли меҳнат қилиб, кўпроқ ҳақ олишига қизиқишини ошириш, яширин иқтисодиётдан чиқини, иқтисодиётни ислох қилиш ва ривожлантиришда фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Пенсия ва нафақа миқдорини ошириш баробарида ижтимоий тўловларни тўлаш ва етказиб беришда ҳам фуқароларга қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. 2022 йил 1 майдан бошлаб барча турдаги давлат пенсияларини, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан тўланадиган нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни ҳамда кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорда қўшимча тўлов жорий қилинди.

Айтиш жоизки, ижтимоий таъминот соҳасидаги ишлар тўхтаб қоладиган жараён эмас, бу тизим замон талаби ва аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб доимо янгилашиб, тақомиллашиб бораверади. Шу маънода, мамлакатимизда бу йўналишда ҳуқуқий ва ташкилий ишлар изчил давом этапти.

Мисол учун, парламент томонидан яқинда қабул қилинган қонунга кўра, 2023 йилдан бошлаб I ва II гурӯх ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлангандан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, иш стаж ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳамда келгусида ҳар 2 йилда ногиронлик пенсия миқдорларини қайта ҳисоблаш тартиби жорий этилди.

Мазкур ўзгартиш натижасида 2023 йилда I ва II гурӯх ногиронлик пенсиясини олувчи 75 миң фуқароларнинг пенсия миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва ногиронлик пенсиясини ўртача 304 миң сўмга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимоялашда муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида давлат пенсиялари миқдорини ҳар йиллик инфляция даражасида қайта ҳисоблаш (ошириб бориш) тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Лойиҳа тегишли тартибда Қонунчилик палатасига яқин кунларда киритилади.

Келгусида режаларимиз кўп. Халққаро тамойил ва стандартларга мувофиқ кўп босқичли ва давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш масаласида ҳам ўрганишлар олиб борилмади. Халқимизнинг тақдир ва тавсияларини инобатга олган ҳолда соҳага оид қонунчиликни тақомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттирамиз.



**66** КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА 2021 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН “САХОВАТ” ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ ҲАМДА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ПАНСИОНАТИДА ЯШОВЧИ ЁЛҒИЗ ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ШАХСИЙ САРФ-ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН ТЎЛАБ БЕРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ МИҚДОРИ 10 ФОИЗДАН 20 ФОИЗГА ОШИРИЛДИ. ЗАРУР ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛМАГАН МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛАДИГАН НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ МИҚДОРИ 440 МИНГ СЎМДАН 622 МИНГ СЎМГА ЕТКАЗИЛДИ. БУНДА 49,1 МИНГ ФУҚАРОНИНГ НОГИРОНЛИК НАФАҚА МИҚДОРЛАРИ 182 МИНГ СЎМГА ОШИДИ.

томондан, аёл меҳнат стажы тўплашга имкон тополмайди.

Табиийки, иш стажы бўлмаган аёлнинг кексайганида пенсия олиш имкони ҳам чекланади. Оиладаги бу ҳолат жамиятдаги муҳитга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, бундай ҳолатда аҳолини, хусусан, аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ногиронлиги бор фарзандни ёки оиланинг бошқа аъзосини парваришlash даври иш стажига киритилмайдиган бўлди. Натижада 2019 йил март ойдан пенсия тайинлаш учун иш стажига эга бўлмаган болаликдан

1-гурӯх ногиронлик нафақаси олувчи 23 миң нафардан ортиқ шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорда ойлик қўшимча тўлов жорий қилинди.

2019 йил 1 сентябрдан манзил колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳўкм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилди ва 255 нафар фуқарога пенсия тайинланиб, тўлаб берилди.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 1 апрелдан “Саховат” интернат уйлари ҳамда уруш ва

### Уйда пилла боқиш ёки томорқада ишлаш ҳам стажга киради

Фуқароларнинг келгусида пенсия таъминоти ҳуқуқини шакллантириш мақсадида меҳнат стажига эга бўлиши учун амалий чоралар белгиланди. 2018 йилдан ипаччилик тармоғига тааллуқли бўлган фермер ҳўжалиқларида бажариладиган мавсумий ишлар пенсия тайинлашда бир йиллик иш стажы сифатида қўшилиши жорий этилди.



НУҚТАИ НАЗАР

# STEM ТАЪЛИМ



Science • Technology • Engineering • Math



**Музаффар ЖАЛОЛОВ,**  
Тошкент шаҳридаги  
Инха университети  
ректори

Бошланғич 1-бетда

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари, аниқ фанлар, аэрокосмик ва астрономия фанларини чуқур ўрганадиган иккита давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаси ташкил этилди. Булар — Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқур ўрганиш ихтисослаштирилган мактаб.

2015 йилда Тошкент шаҳрида биринчи хусусий робототехника мактаби — "Robokids education" ташкил этилди. Унда робототехника, асосий дастурлаш ва "Internet of things" йўналишлари бўйича машғулотлар ўтилади. 2017 йилда математика, физика, кимё фанларини чуқур ўрганишга йўналтирилган хусусий таълим муассасаси — Артел глобал мактаби очилди. Шунингдек, Артел техникуми, "Erudite education", "Эврика" ва бошқа хусусий мактаблар ҳам фаол ишламоқда.

STEM таълим нима?

Асримиз бошларида АҚШ миллий илмий жағмармаси мамлакатда техник мутахассислар тақчиллигини бартараф этишга мўлжалланган янги таълим йўналишини ифодалаш мақсадида STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics) таълим тизimini яратди. Шундан сўнг бу таълим ҳақидаги илк гоғлар академик наشرлар ва оммавий ахборот воситаларида пайдо бўла бошлади. Ушандан бери бу шаклдаги таълимни ривожлантириш АҚШ давлат сиёсатининг муҳим стратегияларидан бирига айланди. Кейинчалик глобал

технологик тараққиёт туфайли бутун дунёга ёйла бошлади.

STEM табиий ва муҳандислик фанларини ягона, ўзаро боғлиқ тизимда бирлаштирган таълим моделидир. У физика, математика, биология каби фанларни муайян ўқув дастури доирасида ўрганиш билан бирга уларни янги тизимда, яхлит бирлаштиришни назарда tutadi. Яъни мактаб фанлари ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан ўқитилади. Олимларнинг таъкидлашича, бундай яхлит ўрганиш муаммоларни фақат битта соҳага таъинган ҳолда қисмларга бўлиб эмас, балки янада кенгроқ ва глобал микёсда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш имконини беради. Ушбу ёндашув STEM таълимнинг асосий жиҳати ва асосий тамойилини — фанлараро уйғунлиқни белгилайди.

Билимларни амалиётда қўллаш, яъни амалий масалаларни ечиш бу таълимнинг яна бир тамойилидир. Ижодкорлик ва инновация, танқидий фикрлаш, лойиҳалаш ишлари ҳам бу таълимнинг асосий хусусиятларидир. Чунки замонавий жамият ижодий фикрлайдиган, инновацион қарорлар қабул қила оладиган, мослашувчан, кенг дунёқарашга ва бошқарув кўникмаларига эга мутахассисларга муҳтож.

Нега унга талаб ошяпти?

Бугун талабгорлар Буюк Британия, Швейцария, Германия, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида STEM таълим олиши мумкин. Чунки мазкур мамлакатлардаги кўпгина университетларнинг асосий йўналиши рақамли технологиялар ва инновацияларга асосланган. Улар BigData, сунъий интеллект, технологияни ўрганишдаги ютуқларни ўқув жараёнида қўллаш, соғлиқни сақлаш, банк, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун имкон қадар кўпроқ юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга интилади. Бугун нафақат технологияни тушунадиган, балки турли соҳалардаги аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун билимини самарали қўллаш кўникмасига эга мутахассислар меҳнат бозорига етакчи ҳисобланади.

Масалан, Жаҳон иқтисодий форумининг статистика маълумотида таъкидланишича, замонавий бизнес учун энг муҳим кўникмалар мураккаб муаммоларни ҳал қилиш, танқидий ва ижодий фикрлашдир. Иш берувчилар талабаларнинг STEM ихтисосликлари бўйича олган кўникмаларини юқори баҳолайди. Бундай мутахассисларга талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бу аниқ фанларга бевосита боғлиқ бўлган технологияларнинг ривожланиш суръати билан изоҳланади. АҚШ миллий илмий жағмармаси ҳисоб-китоби-

га кўра, келгуси ўн йилликда мавжуд бўладиган иш ўринларининг 80 фоизи айтириктан математик кўникмалар ва технологияларга эга бўлишни талаб қилади.

Олимларнинг фаразига кўра, IT ва Data Science бўйича малака жамиятнинг технология ривожланиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир мутахассис учун зарур. Мисол учун, 2020 йилда Хитойдаги саноат корхоналари рақамли технологиялар туфайли 4 триллион доллардан ортқ қўшимча даромад олган. "McKinsey" маълумотларига кўра, АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида Data Science

Инновацион ўқитиш усуллари кўллаш орқали ўғил-қизларнинг ушбу фанларга қизиқиши ва билимини тизимли ва динамик равишда оширишга қодир бўлган STEM фанлари бўйича малакали педагог кадрларни тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Техник мутахассисларга эҳтиёжнинг ортиб бориши STEM таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Маълумотларга кўра, масалан, АҚШда STEM ихтисослик бўйича ўқийдиган талабаларга узайтирилган виза тақдим этилади, турли стипендиялар



усулларини жорий этиш туфайли 450 миллион долларгача еки бутун саноат бюджетининг 17 фоизи тежалади.

Ўзбекистонда жорий этиш истиқбол қандай?

Биринчи навбатда, мамлакатимиздаги мактаб ўқувчилари учун табақалаштирилган (дифференциал) таълимни кенг жорий этиш, STEM фанларини ўзлаштириш қўбилиятига эга болаларни аниқлаш лозим. Ўғил-қизларнинг мойиллиги ва лаёқатини аниқлаш кўп қиррали ва босқичли жараён. Уни бола ҳаётининг дастлабки йилларидаёқ бошлаш керак. Ота-оналар фарзандларини кўпроқ қизиқиш ва қўбилиятини намоён этадиган йўналишда ривожлантириш учун интилиши зарур. Шу билан бирга, эрта ёшда болалар бирор билимни ўрганишга жуда мослашувчан бўлишини эсда тутиш даркор. Мактабга таълим муассасалари ва бошланғич синфлар ҳам тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг индивидуал ҳамда типологик хусусиятларига кўра, дифференциал таълимга асосланиши керак.

ажратилади. Юқори технологияли компаниялар билан университетнинг ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилади. Шунингдек олиш кераки, технология жадал ривожланиши билан техник кўникмалар ҳам тез эскиради. Узгарувчан саноатта муносиб жавоб бериш ва мослашиш учун мутахассисларни қайта тайёрлаш жараёнини фаоллаштириш керак. Шундай қилиб, мутахассис бутун умр ўрганиши ва касбий тайёргарлик даражасини ошириши лозим бўлади. Бундай ўқитиш узлуксизлигини таъминлашнинг самарали механизми таълим соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши такомиллаштириш тизimini ташкил этувчи элементлар сифатида кластерлардан фойдаланишни назарда тутати.

Технологиянинг жадал ривожланиши, жамият ҳаётининг барча жаҳаларини тараққий эттиришга инновацион ёндашув биз интилайётган ривожланган давлатнинг технологик жиҳатдан илгор турмуш даражасини таъминлашга қодир, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун STEM таълимни ривожлантиришни такозо этмоқда. Мамлакатимизда эса бундай тараққиёт учун зарур бўлган барча ресурслар мавжуд.

БУГУННИНГ ГАПИ



## БОҒЧАГА БОРАДИГАН ДОЛА мулоқотда, дунёқараши шаклланишида бир қадам олдинда бўлади

Бошланғич 1-бетда

Бунга қўшимча исобат қидириб узоққа боришнинг ҳождати йўқ. БоҒча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Шунинг учун ҳам биз мактабга таълим тизimini қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошладик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширсак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади", дея таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда болаларни мактабга таълимга қамраб олишда оилавий боғчалар ташкил этилгани бу масалада янги ва самарали ечим бўлди. Сўнгги олти йилда мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етгани, бунинг натижасида 2 миллионга яқин бола боғчага бораётгани тизимда бошланган ислохотларнинг самараси яққол далиллар. Биргина мисол: 2017 йили Тошкент вилоятида 3-7 ёшли 220 мингдан зиёд боланинг атиги 60 мингга яқини 441 та давлат мактабга таълим ташкилотига қамраб олинган эди. Ушар вақтда Тошкент вилоятида бирорта ҳам оилавий боғча фаолият кўрсатмаётганини қайд этиш керак. 2022 йили вилоятда истиқомат қиладиган қариб 3-7 ёшли 214 минг боладан 144 минг 507 нафари 1 минг 782 та мактабга таълим ташкилотига қамраб олинди. Энг аҳамиятлиси, бугунга келиб вилоятда 1 минг 67 та оилавий мактабга таълим ташкилоти фаолият юритиб, уларда қариб 28 минг бола таълим-тарбия олмақда.

Мана шу муассасалар орасида Нурафшон шаҳридаги Саида Эрматов мудирилик қилаётган оилавий мактабга таълим ташкилоти ҳам бор. У юзга яқин болалар катори мудирилик ҳаётида ҳам туб бурилишлар ясади.

— 2019 йили оилавий нодавлат мактабга таълим ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги хушхабар ҳаётимда туб бурилиш ясади. Бундай янгиликни эшитганим заҳоти юрагимдаги умид учкун алангалади ва оилавий боғча очишга қарор қилдим, — дейди Саида Эрматова.

Нурафшон шаҳри Нурафшон маҳалласида ташкил этилган бу боғча шаҳарда илк оилавий нодавлат мактабга таълим ташкилотларидан бири эди. Дастлаб 25 ўринли МТТ сифатида иш бошлаган муассасада кейинчалик яна 25 та ўрин ташкил этилди. Ҳозир 50 ўринли оилавий МТТда болалар ўрта ва

катта гуруҳнинг мусиқа, тасвирий санъат, рақс ва рус тили тўғрақларида бошланғич билимларни ўзлаштирмоқда. Уларнинг илк билим ва кўникмаларини шакллантириш учун барча шарт-шароит яратилган.

Оилавий боғчада болаларнинг давомати ва ходимларнинг ишга келиб-кейтиши онлайн назорат қилинади. Тизим тўғридан-тўғри Тошкент вилояти мактабга таълим бўлими бошқармасига уланган. Шунга кўра, давлат томонидан ходимларга ойлик иш ҳақи ва болаларга озик-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун субсидия ажратилади. Ҳозир 2 та гуруҳ учун ўртача 12 миллион сўм атрофида ҳар ойда субсидия берилади. Бундан ташқари, болалар учун ойлик тўлов ҳам ҳамёнбоп — 300-350 минг сўм.

**Президентимиз яқиндаги Мурожаатномасида мактабга таълим соҳасидаги ислохотлар хусусида сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: "Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабга таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислохотларимиз юксак эътироф этилди."**

Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу — жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади."

Мактабга таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса, бола боғчага борсин! Фикри теран, синчков нигоҳли, кенг дунёқарашли, энг муҳими, Учинчи ўйғониш даврига тамал тошини қўя оладиган авлод таълим-тарбияни, албатта, боғчадан бошлаши лозим.

"Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном олган 2023 йилда болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш хусусий сектор ҳисобига янада ортиши турган гап. Чунки кўртимизда Саида Эрматовадек ташаббускор ва бугунги давр сиёсатини тўғри тушунадиган хотин-қизлар, ишбилармон аёллар бисёр.


**Отабек ИСРОИЛОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси

ЎСИШ НУҚТАСИ

Бухоро туманидаги Деҳча маҳалласи азалдан меҳнатдан барака топган ҳудуд сифатида эътироф этилади. Бу ерда, айниқса, хунармандчилик қадимдан ривож топган. Маълумотларга кўра, шундоққина Бухоро шаҳрига туташ маҳаллада азалдан уста дурадгорлар маҳсулотини билан шуҳрат қозонган.

Луғавий маъноси "қишлоқча", "кичик ҳудуд", маъносини аниқлаётган маҳаллада бугун 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Эътиборли жиҳати, бу рақам билан салмоқ жиҳатидан ҳам деҳчалар анча-мунча маҳаллани ортада қолдириши мумкин. Аммо асосийси бу эмас. Бугун мамлакатимизда тадбиркорлар учун берилаётган имкониятлар сабаб бу ерда жуда кенг қўламадаги ўзгаришлар қилинди. Аввало, аҳолининг дунёқараши ўзгарди. Шу вақтга қадар уйда алоҳида хунармандчилик билан шуғулланиб келган усталар йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйди. Имтиёзли кредитлар, тегишли тасвия ва ёрдамлар натижасида ўтган йилнинг бошидан бугунга қадар бекорчи одамнинг ўзи қолмади. Қайтаги қўшни маҳаллалардан келиб Деҳчада хунармандчилик сирларини ўрганадиганлар сони ортди.

## МЕБЕЛСОЗ ДЕҲЧАЛИКЛАР хунарини драйвер йўналишга айлантирди



Қурбон Асадов хонадониде ишлаб чиқарилаётган шина мебеллар бугун соҳанинг етакчи корхоналаридеги маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Уста бугун маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга тадбиркорлардан бирига айланиб улгурди.

— Узоқ йиллар давлат идораларида ишладим. Аммо хунаримни ташлаб қўйганим йўқ. У ҳамма вақт инсоннинг орзулари рўёбига хизмат қилар экан. Тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар туфайли бугун уй шароитида тайёрлаётган маҳсулотларимизни

вилоятдаги барча бозорларга олиб чиқиб сотиш имконига эга бўлдим, — дейди яқка тадбиркор Қурбон Асадов. — Бўш вақтимда асарларчилик билан шуғулланаман. Утган йили асалдан ҳам яхши даромад олдим. Албатта, бу ҳам оилавий даромадимиз ортисига замин яратди.

Маҳалладаги Руслан Латипов хонадониде замон талаби асосида ётоқхона мебеллари ишлаб чиқарилади. Бунинг учун хунарманднинг иш қуроли ҳам соз ҳолатда. Энг муҳими, Қурбон Асадов хонадониде бўлгани каби бу оилавий тадбиркор ҳам ўнлаб ёшларга касбининг сир-асорини ўргатиб келаяпти.

Илгари деҳчалик хунармандлар ярим тайёр маҳсулотлар олиб келиб, мебел тайёрлар эди. Ҳозирги рақобат муҳити усталар учун маҳаллий шароитда барча эҳтиёт қисмларни қишлоқнинг ўзиде тайёрлаш имконини берди. Мэс Латипов хонадониде ётоқхона мебелининг барча бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилапти. Фахриддин Шарипов эса ошхона мебеллари билан вилоятнинг барча бозориде ўрнини топиб улгурди.

Албатта, давр тараққий этмоқда. Иш унуми ва сифатини таъминлашда замо-



навий технологиялардан фойдаланиш анча самара берапти. Деҳчаларнинг эътироф этилиши, Шавкат Раҳматов хонадониде ҳали ҳам хунармандчиликнинг қадим аънавалари давом этаётгани бу оилага барака келтирмоқда. Эътиборли жиҳати, уста ҳали ҳам барча юмушини қўл меҳнати билан бажаради. Бу эса маҳсулотнинг янада бежирим бўлишини таъминлаяпти.

— Бирдамлик, ҳамжихатлик бор жойда, албатта, юксалиш буй курсатади. Бизнинг хунармандлар қишлоқидеги оилавий тадбиркорлар бирлашиб, катта режаларни амалга оширмоқда. Ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган ишлар бўляпти. Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 7 гектар майдонда 20 га яқин ишлаб чиқариш субъекти тўла қувват билан фаолият бошлади. Натижада бу ҳудудга кичик саноат зонаси

мақоми берилаяпти. Бунда ҳам худуднинг драйвер соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор бош омил бўлди, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Жўрабек Шаропов.

Интиланган, ҳаракат қилган бугун, албатта, ўз мақсадига эришади. Айниқса, бу интилишлар худудларнинг ҳамжихатлиги асосида амалга ошса, барча маҳаллаларда натижалар кутилганидан-да самарали бўлиши аниқ. Тез орада яқка тартибдаги тадбиркорлар ва уста хунармандлар ташаббуси қишлоқда кооперацияни, катта ишлаб чиқариш марказини вужудга келтиради. Бу эса Деҳчанинг макъени, одамлар турмуш шароитини янада ошириши аниқ.

**Сўхроб ШЕРОВ,**  
журналист





Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги университет)да буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигини муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик борарди. Устозлар Натан Маллаев ташаббуси ва Ҳамид Сулаймон ҳомийлигида "Навоий ўқув музейи" ташкил қилинадиган бўлди.



БОБУРИЙ АЖДОДИМ

қадами етган шу олис ўлкада дилим тоғ кўрдим (Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция сафари таассуротларидан)



Камчибек КЕНЖА, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоси

Лаълбоғ. Бобурийлар мозийгоҳи

Ўз даврида Бобурийлар қаламравида бўлган Бангладешнинг пойтахти Даккада Асосий мақсад шаҳарнинг жанубий чеккасида жойлашган Лаълбоғ ўраминидаги тарихий мозийгоҳни зиёрат қилиш эди. Ниҳоят, манзилга етдик. Дарвоза ёнидаги ойнаванд лавҳа ва ичкаридаги темир тахтакачларга битилган маълумотларда зикр этилишича, "Лаълбоғ форт музейи" деб аталуви бу тарихий ёдгорлик қурилиши 1678 йили бобурий император Аврангзебнинг ўғли Аъзамшоҳ томонидан бошланган, лекин битмай тўхтаб қолган. Бенгалиянинг ўша пайтдаги ҳокими Шойистахон Субадор қурилишни давом эттириб, 1688 йили ниҳоясига етказган.

Қалъа-боққа шимол тарафдан қирларди. Унинг чорси шаклидаги худуди тўрт тарафдан девор билан ўралган, дарвоза рўпарасидаги тўри сўмоқ қургонни гўё иккига ажратиб турарди. Дабдурустдан кирган киши у ерида эски бинолар қилиб кетган боғ-ҳибонда, деб ўйлаши мумкин эди. Ҳибонда, йўлаклар бўйида бўйи бир-бир ярим метрча келадиган, тўп бўлиб ўсадиган қизил, оқ гулларнинг айни барқ уриб очилган чоғи эди. Қизил гулнинг тули бир хил, гулнинг тузилиши икки хил эди — бирининг гулбарглари атиргуликка ўхшайди: юмшоқ, фақат узун-узун. Иккинчиси майда қалампир-мунчосимон — ғужум-ғужум, умумий ҳажми ўртача атиргулнинг гулча бор. Гулларнинг номларини ақкура, флавер, майшунда дейишаркан.

Сафардаги мен учун энг қийин иш бизга нотаниш, биз жойларга, иқлимга хос гуллар, дархатлар, ҳар турли ўсимликлар, парранда-даррандалар, ҳайвонот дунёси ва бошқа наботот олами, табиат мўъжизаларининг маҳаллий халқ тилидаги номини аниқлаш эди. Таржимонимизнинг оғизига қараб турадиган бир мен эмас, бошқалар ҳам ниманидир сўрашни мўлжаллаб юришарди. Биз қизил нарсаларни тилмоқ ҳам маҳаллий одамлардан, ўткинчи, йўловчилардан сурштириб, билиб бериши керак. Биздан ташқари таржимоннинг ҳам ўзи қизикадиган соҳалари, мавзулари бор. Яъни, профессоримиз камтар ва эринмайди-галлардан. Бунинг устига, Анджондаёқ Нейматиллоқа сафар давомида унинг қўлогини энг кўп қоқадиган мен бўлишимни таъкидлаб, шу борада ҳазил-хузул билан келишиб олганми. Хуллас, кези келиб қолди, профессорса самимий миннатдорчилигини шу ўринда изҳор қилиб қўйди: ушбу эсдаликларнинг муайян қисми бевосита унинг ёрдамида, унинг шарофати билан қозоғга тушгандир.

Гуллар ораларида арчалар бўлиб, улар ҳам гуллар билан баробар қилиб текис қирқилган эди. Ям-яшил, чим-чати эриқ-майсаларни ҳафсала билан ўришмоқда эди.

Қалъа-ҳибонда худудининг қоқ ўртасида бир қаватли, пастақроқ макбара мунғайиб турар, унинг ички қисмида тўққизта мармар устун бор эди. Бу ерга Шойистахон Субадорнинг севимли қизи Биби Пари дафн этилган экан. Қабр ва даҳмага Бангладешнинг энг ноёб мармар тошларидан ишлатилган, дейишди.

ҚАЛЪА КАТГА ЭМАС, МЎЪЖАЗГИНА ЭДИ. БИНОЛАРНИНГ ПЕШТОҚЛАРИ, ДЕВОРЛАРИДА БЕЗАК-НАҚШЛАР КАМ, МИНОРАЛГА АСОСАН, ҚИЗИЛ ГИШТ ИШЛАТИЛГАН, БИРОҚ АКСАРИЯТИНИНГ РАНГИ УЧИБ, ҚУРУМ БОСГАН, ОЛА ҚОРАЙГАН ЭДИ. ШУНИНГ УЧУН ҚАРОВСИЗ, АҲАМИЯТСИЗ КЎҲНА УЙЛАРГА ЎХШАБ КЎРИНАРДИ.

эски деворларни кўргани келдикми", деб нописандлик билан қараган, бурунлар ҳам бир оз жийирилган эди (бунинг учун кейин ўзимизни хўп койдик).

"Туркий усулда қурилган ҳаммом" (айнан шундай ёзилган)нинг ҳозирги сауналарга ўхшаб ўртасида ҳовуз ўрни, алоҳида эчинчи хоналари бор эди.

Кун чиқишдаги икки охиёна бино музей экан. О, яна қандай музей, денг! Биринчи қаватдан кейинги бобурийлар даврида ишлатилган пичоқлар ва уларнинг ёғоч ғилофлари, чопкилар, музёрлар, темир қалпоқлар, қаттиқ, ингичка симдан майда занжирсимон қилиб тўқилган кийимлар, ўқ ўтмас темир нимча (совут)лар ўрин олган, юқоридаги хоналарда осорни-атиқа, ашёлар янада бойроқ, янада бебаҳо ҳисобланади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Носириддин Муҳаммад Ҳумоюн, Жалолиддин Муҳаммад Акбар, Шаҳобиддин Муҳаммад Жаҳонгир, Аврангзеб, Баҳодир шох I, Муҳаммад Фаррух Сияр, Аҳмад шох, Азияддин Муҳаммад Оламгир, Муҳаммад шох, Исоимиддин Муҳаммад шох Олам, Муаззам шох Олам Баҳодир, Муҳаммад Иброҳим шох, Муизиддин Жаҳонгир шох (исм-шарифлар мозийгоҳ ҳужжатларида қандай ёзилган бўлса, шундай олинди) ва бошқа бобурий ҳукмдорлар замонидангиз таърих-адабиётдан намуналар, Аврангзеб Оламгир, Аъзамшоҳ суратлари, Акбар, Шох Олам фармонлари...

Ушбу руйхат орасидаги ўқувчиларимизга унча маълум ва машҳур бўлмаган номлар ҳақида шунини айтиш кераки, уларнинг аксарияти бобурийлар салтанати инқирозга юз тутган даврларда ҳар томондан сиқув ва ҳужумлар ичида қолган Ҳиндистонга қисқа-қисқа мuddатларда ҳукмронлик қилган подшо ва шаҳзодалардир.

Бу вақтларда асосий жанглар, тохтаст унч қурашлар мамлакатнинг шарқий вилоятлари Калкутта, Бенгалияга қўнган эди.

Музейдаги нодир ёдгорликлардан бири Аврангзебнинг иккинчи ўғли Аъзамшоҳга мана шу қароргоҳни қуриш тўғрисида берган фармони битилган тош...

Мен ўтган сафар Аврангзебда кўрганим — иккинчи Тоҷмаҳал деб юритилувчи муҳташам обидани эсладим. Уни ҳам Аъзамшоҳ онаси хотирасига барпо қилдирган. Асли амрзодалар ичида волида муҳтарамасига ва даражада мурувват кўрсатгани кам учрайди. Шунга қарамай, Аъзамшоҳ ҳаётда унча омади чопмаган шаҳзодалардан. Укаси Ком Бахш билан бирга ҳозирги Бангладеш худудига яқин Декан вилояти ҳокими бўлган. Отасининг вафот этганини эшитиб, тахт учун курашиш мақсадида Аграга лашкар тортиб боради. Лекин бу пайтда Агра уни унинг яна бир укаси Шаҳзода Муаззам (Шох Олам) эгаллаб бўлган эди. Оганини ўртасидаги омонсиз жангда Аъзамшоҳ ва унинг икки ўғли ҳалок бўлади. Тоғ-тахт ишқи ота-ўғил, ака-ука ўртасидаги оқибат, қондошлик ришталарини қирқиб-чиртадиган бир кеммурувчидир, инчунин, бу ҳавасли ишқ эмас, ғаразли ҳирсдир. Ғаразли ҳирсиётлар опови эса,

Дакка чеккасида Лаълбоғ кўрдим. Лаълбоғ ичида ҳарам, боғ кўрдим. Бобурий аждоим қадами етган Шу олис ўлкада дилим тоғ кўрдим.

ДАҲОЛАРГА ЭҲТИРОМ ЁХУД БУЮК СИЙМОЛАР СУРАТИНИ РАНГЛАРГА КЎЧИРИШ САОДАТИ



Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори

Бир кун хонада экспонатлар ва бошқа ашёлар жой-жойига қўйилаётган эди. Ўрта бўйли, чуст дўппи кийиб, кўзойнак тақиб олган, чехрасидан нур ёғилиб турган бир устоз икки йилгига катта бир паннони кўтартириб кириб келди. Панно юзидagi оқ сурп парда олинган эди, унда талабалар қуршовидagi Низомий Навоийни пешвоз олаётгани тасвирланган экан. Манзаранинг маҳобати, башариятнинг икки буюк даҳоси сиймосининг баржасти ифодаси, бинонинг ҳашамату кўркاملарининг ранглардаги инъикоси ҳаммадан ҳайратга солди. Мана, ярим асрдан зиёд вақт бўлдики, бу тасвир ва "Ҳусайн Бойқаро", "Жомий", "Беҳзод" портретлари сомейларга оламжаҳон завқ, шаҳв инъом этиб келмоқда. Бу бекиёс асарларни музейга лутфан тақдим этган баъзир санъаткор Малик Набиев эди.

Республикамиз тасвирий санъатида портрет жанрининг усталаридан бири, кўпгаб ижодкорлару санъатшуносларнинг бевосита раҳнамоси Малик Набиев 1916 йили Тошкент шаҳрида зиёли хонадонда туғилди. Етти йиллик мактабни тугатгач, Бадий билим юртига ўқишга кирди. Таҳсил билан бир вақтда бўлажак атоқли мусаввир машҳур расом ва педагог Баҳром Ҳамдавий тавсияси билан ўрта мактабнинг 5-6-синфларида расмдан дарс бера бошлади. Билим юртида ўқишлар тугагач, уни шу ерда муаллимликка олиб қолишди. Шу йиллари Малик Набиевнинг илк расми — "Темирйўлчи-лар оиласи" Абдулла Қодирий нигоҳи билан "Муштум" журналида босилди чикди. Кейинчалик портрет жанридаги илк маши "Абдулла Қодирий" мактаб дарслигиндан жой олди. "Мен, — деб эслайди мусаввир, — ёзувчининг асарида аслида қандай бўлса, шундай тасвирлашга ҳаракат қилганман. Ҳеч қандай кўшимчалар йўқ. Уша ўйчанлик, ўша жиддий боқишлар портретда ўз аксини топган".

Мусаввир 1938 йили Ўзбекистон Расомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди ва икки йиллик ёш расомлар курсига жалб этилди. Бу ерда у соҳа дошнамандлари О.Татевосян, П.Беньков, А.Пестенский, А.Матвеевлардан дарс олди, рангтасвир, қаламтасвир технологиясини ўрганди, санъатнинг турли тармоғи, пластик анатомия билан яқиндан танишди. Бу орада Петербург Бадий академиясида бўлиб, Рембранд, Тициан, Рафаэл, Леонардо да Винчи сингари башарият даҳолари мероси билан ошно бўлди. Доим

изланиш, ўқиб-ўрганишга интилган Малик Набиев 1962 йили пединститутнинг бадий-графика (ҳозирги санъат) факультетини тугатди. Бунга қарангки, билим юрти тахсилни давридаёқ муаллимлик қила бошлаган Малик Набиевнинг бундан кейинги фаолияти Низомий номидаги педагогика институтининг рангтасвир, қалам тасвир кафедраларининг катта ўқитувчиси, доценти ва профессори лавозимлари билан кечди. Малик Набиев ижодий фаолиятни педагогик жараён билан, муаллимлик юмушини шогирдлар билан чамбарчас боғлаб олиб борган замонамизнинг буюк ижодкори, беназир устоди эди. "Устозни ҳеч қачон биз танҳо кўрмаганми, — деб эслайди садоқатли шогирдлари Ботир Бойметов. — У кишининг ижоддонаси шогирдлар учун маслаҳатхона эди; кўча-ю ишхонада ҳовлисида ё бир мухлиси, шогирди ёки ҳамкори билан бирга бўларди".

Ўзбекистон халқ рассоми, республика Бадий академияси аъзоси Малик Набиевнинг ижодий бисоти мавзу силсиласи жиҳатидан ҳам гоят бой ва ранг-барангдир. Биз мусаввир асарларини кўздан кечирар эканмиз, бир томондан, қалбимиз миллий гуруру ва ифтихор туйғуларини билан тўлиб тошадим, алақандай кўтаринки руҳ бизга куч-қудрат бахш этади. Иккинчи томондан, бу шох асарларни бир сония нигоҳидан ўтказган ҳар бир томошабин кўз олдида халқимизнинг мустақиллик йўлида, эркин деб, элни деб олиб борган мардоннавор курашлари, бу жангларда кўрсатилган мислсиз қаҳрамонлик, жасорат, юксак инсонпарварлик гавдаланади. Натихада инсон тафаккур қилади, оламжаҳон бадий-эстетик хузурга эришади, ноил бўлади. "Амир Темуру", "Амир Темурунинг болалиги",

бўлган. Хуллас, Бобур портретидаги турли хил бўёқларда акс эттирилган туйғулар уйғунлиги бутун борлигининг ранглар сеҳри билан қамраб олади. Кўртимизда соҳа дошнамандлари томонидан портрет устаси сифатида тан олинган Малик Набиев асарлари тематик жиҳатдан ранг-баранг. У тарихий шахслар сиймосини ранглар воситида қай даражада қайта тириштиришга эришган бўлса, "Абдулла Қодирий", "Абдурауф Фитрат", "Обид Ҳасанов", "Мунавварқори Абдурашидхон", "Файзулла Хўжаев" сингари портретларда замонадошлари тийнати, руҳий оламни, зиёлиларга хос нигоҳни, мангу сиймоларни жозибали чица олган. Бу асарлар сюжет баркамоллиги, композицион мўъжазлиги, шаклу ранглар таноосининг теранлиги билан санъаткор услубининг ўзига хослигини намоён этган. "Библионим" портретида нигоҳингиз тушганда расом ижодий салоҳияти юқарида тан бермасдан иложингиз қолмайди.

Халқ рассоми Малик Набиев бадий ижодни, нафис яратувчиликни узлуксиз тарзда таълим-тарбия, илмий тадқиқот, услубий-методик ишлар билан боғлаб олиб борган санъаткор, устоз педагог эди. Республикамиз олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар, академик лицей, касб-хўнар коллежларида тасвирий санъатни тарғиб-ташвиқ этиш, ўқитишни янада яхшилаш, таълим самардорлигини ошириш бевосита у кишининг фаолияти билан боғлиқ. Гап шундаки, Малик Набиев узок йиллар кафедранинг бошқаруш билан бирга тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти билан ҳам жиддий шугулланди.

Натихада турли йилларда у кишининг "Расм чизишни ўргатиш" (1965), "Расм чизишни ўргатиш методикаси" (1971), "Натурадан расм ишлаш" (1976),

АЛИШЕР НАВОИЙ ПОРТРЕТИГА НИГОҲ СОЛСАНГИЗ БЕКИЁС АСАВЛАР ЯРАТГАН, ҲАМИША ИЖОД ОҒУШИДА ҒАРҚ БУЮК ИЖОДКОР КЎЗ ОЛДИНГИЗДА ГАВДАЛАНАДИ. ХУРОСОН ЎЛКАСИНИ ҲАР ЖИҲАТДАН ЮКСАЛТИРИШГА ЭРИШГАН ҲУСАЙН БОЙҚАРОНИНГ КЕЛБАТ ВА САЛОБАТИНИ ҲИС ЭТАСИС. БУНДАЙ АСАВЛАР МУСАВВИР БИСОТИДА БИСЁР.

"Ибн Сино", "Ал-Хоразмий", "Ал-Беруний", "Абу Наср Форобий", "Алишер Навоий" шулар жумласидан.

Алишер Навоий портретида нигоҳ солсангиз, бекиёс асарлар яратган, ҳаммиша ижод оғушида ғарқ буюк ижодкор кўз олдингизда гавдаланади. Хуросон ўлкасини ҳар жиҳатдан юксалтиришга эришган Ҳусайн Бойқаронинг келбат ва салобатини ҳис этасиз. Бундай асарлар мусаввир бисотида бисёр.

Малик Набиев ижоди мустақиллик йилларида янада гуллади. Мусаввирнинг улкан ютуқларидан яна бири буюк саркарда, шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур образидир. Бобур образини яратиш учун расом Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча хоржий мамлакатларда бўлди. Бобур яшаган, ижод қилган, жанг қилган жойларни ўз кўзи билан кўрди. Малик Набиевнинг Бобур шэрияти билан батафсил танишгани, унинг анчи-чя ва сермазун ҳаётини мукаммал ўрганишини Бобурнинг навқирон ва тўлақонли гавдалантирилган портрети воситида ҳис этамиз.

Бобур ўз Ватанидан олисларга кетиб, она юртига меҳру муҳаббатини ана шунга ўхшаш изҳор қилаётган ҳолати, расомнинг жонли бўёқларида намоён

"Рангшунослик ва рангтасвир усул-усуллари" (1995) каби унлаб дарслик, ўқув-услубий кўпмақаллари нашр этилди. Атоқли педагог олим, профессор Малик Набиев республикамиз олий ўқув юртлари учун малакали методист олимлар тайёрлашга ҳам муносиб улуш қўшган. Тасвирий санъат методикаси бўйича илмий тадқиқот олиб борган барча методистлар бевосита ёки билвосита шу мусаввирнинг шогирдларидир. У ёзган дарслик ва қўлланмалар ҳозирда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Ватанимизнинг юксак муқофоти — "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, профессор Малик Набиев дунёвий шухратга эришган ижодкорлардан эди. У кишининг кўпгина асарлари жаҳон халқларининг нуфузли музейларида сақланади. Жумладан, расомнинг йигирмата асари Россия Федерацияси осорхоналарида, бир қанча портретлари Финляндия, Норвегия, Швеция, Бельгия, Франция, Япония мамлакатлари санъат галерияларида мавжуд. Масалан, Бельгия Марказий музейига устознинг "Амир Темурунинг элчиларни кутиб олиши" асари қўйилган. Демак, мусаввир асарлари умумбашарий моҳиятга эга бўлиб, томошабинларга хузуру бағишлаб, руҳан тарбиялаб келмоқда.